



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 24 ноябрь № 47 (172) •

Сотувда нархи эркин

ХАЙЪАТ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг хайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда алоқа жиҳозлари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бевосита Алоқа вазирлигига бўйсунувчи бирлашмалар, концернлар, корхоналар раҳбарларини мукофотлаш низоми, вазирликдаги корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш каби масалалар муҳокама қилинди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан Р. Асқаров, Р. Валиев, В. Кравченколар сўзга чиқдилар.

Хайъат «Ўзбектелеком» концерни раиси Т.М.Бекметовнинг Д.Ш.Обиджасевни раис ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисидаги тавсияси ҳамда Давлат алоқа назорати бошлиги Ш.Ш.Исломовнинг О.Н.Шариповни Навоий вилояти Давлат алоқа назорати бошлиги лавозимига тайинлаш ҳақидаги тавсиясига розилик берди.

«Промсвязь» ҳиссалорлик жамияти Бош директори Р.Ф.Валиев ўз сўзида корхонада ишлаб чиқарилаётган жиҳозлар турини кўпайтиришга ҳаракат қилинаётганини, жорий йилда 10 хил маҳсулотни ишлаб чиқиш йўлга қўйилганини таъкидларкан, завод билан самарали ҳамкорлик қиладиган корхоналар борлигини, аммо айрим ташкилотлар бу хайрли ишга лоқайд қарашганини қайд қилди.

Хайъат «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. Бикметов ва «Промсвязь» бош директори Р. Валиевга заводнинг тайёр маҳсулотларини алоқа корхоналарига тарқатиш масаласини ҳамкорликда, оқилона ҳал қилиш вазифасини топширди.

Алоқа Вазирининг биринчи муовини В.А.Кравченко вазирлик корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш бора-сидаги 1995 йилги режа бажарилганини маълум қилди. Айни чоғда, бу борада ҳали жуذا кўп ишлар қилиниши лозимлиги, жумладан республика бўйича 11 корхонани давлат тасарруфидан чиқариш лозимлигини эслатди.

Хайъат мажлисини Вазир Т.Ф.Раҳимов олиб борди.



Тошкентдаги 44-АТС рақамли электрон тизимга ўтказилди. Бу пайта «Алкател» фирмаси ҳам фаол иштирок этди. Айни пайтада ушбу станция фойдаланишга тайёр. Собир Раҳимов телефон тармоғининг бош муҳандиси ўринбосари Т. Тухтамова ва 44-АТСнинг электроника муҳандиси Г. Шомбаева станцияда ўрнатилган янги алоқа жиҳозларини ишлашни текширишмоқда.

СУРАТКАШ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ЗАМОНАВИЙ АТС ИШГА ТУШДИ

Тошкентда Германиянинг «Алкател» фирмаси иштирокида яна битта 44-АТС рақамли электрон тизимга ўтказилди.

Пойтахтдаги 44-АТСнинг ишга туширилганига 40 йилдан зиёд вақт ўтди. Дастлабки пайтлар бу станция 2 минг рақамга мулкжалланганди. Кейинчалик унинг қуввати оширилиб 6 минг 700 рақамга етказилди. 44-АТС Тошкентдаги энг кўпна АТСлардан бири ҳисобланади.

Ушбу станциянинг декадали одимлаб ишловчи жиҳозлари ҳар томонлама эскирган. Станциядаги ишларни олға силжитиш учун муҳандис ва техникларнинг ердими катта бўлаётди. Станцион муҳандис Жамолдин Тўйчиев узлуқсиз 24 йилдан буён ушбу АТСда меҳнат қилиб келади. Мантур Людми-

ла Терентьева ҳам узоқ йиллардан бери шу АТСда ишлаб келмоқда.

Ҳаёт янги техника кириб келишини тақозо қилмоқда. Алоқа вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш корхонаси пойтахтимида 44-АТСни рақамли электрон тизимга ўтказишга қарор қилишганди. Бу тақлифни Германиянинг «Алкател СЕД РФТ» фирмаси қабул қилиб 44-АТСни таъмирлаш учун шартнома тузишди.

Маҳаллий телефончилар янги станциянинг электрон жиҳозлари учун жой ҳозирлашди. Станцияда таъмирлаш ишларини олиб боришиб, линия йўналишларини кенгайтиришди. Станциялараро ажратувчи линияларни ва абонент сўзларини таъмирлашди. «Алкател» фирмаси мутахассис-

лари Германия заводларида зарур алоқа жиҳозларини, станциянинг электрон бошқариш дастурларини тайёрлашиб алоқа жиҳозларини Тошкентга келтиришди. Монтаж қилиш тула тугалланди.

Германияда ўқиб келган тошкентлик мутахассислар янги электрон техникани пухта ўрганишиб, ушбу станцияда ишлашмоқда.

Ушбу янги техникани мижозлар телефонига улаш ҳамма учун қулай бир пайтда — кечаси амалга оширилди. Абонент рақамлардаги «44» рақами асл ҳолида қолдирилиб, параллел уланган телефонлар ҳам сақланган. Станция ишга туширилгач, кўпгина қулайликлар қўлга киритилди. Янги ҳамшаҳарларимиз қушимча яна 3 минг рақамга эга бўлишди.

А. КУДИНОВ

• Обуна — 96

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

Обуна баҳоси:

Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистонда:

Якка тартибдаги обуначилар учун:
6 ойга 112 сўм 80 тийин. 12 ойга 225 сўм 60 тийин.

Ташкилотлар учун

6 ойга 151 сўм 80 тийин. 12 ойга 303 сўм 60 тийин.

Тошкент шаҳрида:

Якка тартибдаги обуначилар учун:

6 ойга 84 сўм. 12 ойга 168 сўм.

Якка тартибдаги обунани абонент кутулирига расмийлаштирган ҳолларда:

6 ойга 66 сўм. 12 ойга 132 сўм.

Ташкилотлар учун:

6 ойга 160 сўм. 12 ойга 304 сўм.

Ташкилотлар обунани абонент кутулирига расмийлаштирган ҳолларда:

6 ойга 126 сўм. 12 ойга 252 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 64600.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов Тошкентда ўтказилган «Туркистон халқлари маланияти форуми» қатнашчиларига табрик йўллади.

• Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида Ўзбекистон Республикаси Конституция кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

• Германияликлар билан ҳам-

корликда Наманганда 10 минг шаҳар ва 4 минг халқаро абонентга мулкжалланган телефон алоқаси узели ўрнатилди.

• Туркманистонда нон нархи 8-10 баробарга, нефть маҳсулотларининг чакана нархлари эса 250 фозга ортди.

• Грузияда мамлакатнинг янги Президенти ўз вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан Тбилисида ҳарбий парад ўтказиладиган бўлди.

• Парижда Бирлашган Мил-

латлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКОнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда 20 дан кўпроқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этдилар.

• Хитой ислоҳотлари «меморри» ДЭН Сяопиннинг қизи Сяо Жун отасининг соғлиғи ёмонлашгани ҳақида Гонконг ва бошқа хорижий матбуот нашрлари тарқатган хабарларни рад этди.


• Польшада Президент сайловининг иккинчи bosқичи якунланди.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Маълумки, республикамизда Миллий дастур қабул қилинган эди.

Жойларда бу борада қандай ишлар амалга оширилди. Бу хусуси

Қашқадарё вилоят Давлат Электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Умид Маматович ВОҲИДОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.



Республикамизда мушакилликка эришгандан сўнг бир қатор хорижий компаниялар, жумладан, Германиянинг «Алкател», «Сименс», Жанубий Куриянинг «ДЭУ-Телеком», Туркиянинг «Неташ» фирмалари билан шартномалар тузилди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрда қабул қилган Миллий дастур тўғрисидаги қарори вилоятимиз алоқачиларини беҳад қувонтирди.

1994-1995 йилларда «Ўзбектелеком» концерни томонидан қабул қилинган алоқа сифати ва самаралорлигини ошириш Миллий дастурига асосан вилоятимизда бир қанча ишлар амалга оширилди, жумладан 146 та АТС стативлари, 124 километр кабел линиялари, 625 километр очик симлар, 106 километр ҳаво линиялари, 4910 метр телефон қувурлари таъмирланди. Шу кунларда барча алоқа ускуналарини ҳамда алоқа уйлари 1995-1996 йилнинг кузги-қишқи мавсумига тайёрлаш ишлари охирига етказилмоқда. Гузур алоқа уйида янги аккумулятор хонаси қурилиб, 30 донга 60 вольтли СК-10 аккумуляторлари монтаж қилинди.

Деҳқонobod электралоқа боғламаси ҳисобида турган юқори кучлининг линияси таъмирланди.

Шохрисабз электр тармоқлари корхонаси ҳисобига утказиб берилди. Қарши бирлашган шаҳар ва шаҳарлараро телефон тармоқларида 4-АТСнинг 30 донга 60 вольтли аккумуляторлари тула янгисига алмаштирилди. Касби, Яккабoғ электралоқа боғламалари бинолари таъмирдан чиқарилди. Барча бўлим ва боғламаларимиздаги иситиш қувурлари, газ қозонлари қишқи мавсумга тайёрлаб қўйилди.

Алоқачи ходимларимизни яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида 1993-1994 йилда Қарши шаҳрида 50 хонадонли, Шаҳрисабз шаҳрида 16 хонадонли уйлари соф фойдамиз ҳисобидан қуриб, фойдаланишга топширилди.

1994 йилнинг «Наврў» байрами арафасида Нишон тумани марказида Талимаржон ГРЭСи маблаг ҳисобидан янги алоқа уйи ва шаҳарлараро сузлашув бўлимини қуриб, фойдаланишга топширдик. Жорий йил сентябрь ойида шу туман марказида янги электралоқа биносини ва 2048 рақамли электрон АТСни ишга туширдик.

1995 йилнинг 9 оyi якунига қура, 15 миллион 533 минг соф фойда олдик. Шундан 3 миллион 861 минг сум маблагни Нишон, Косон туманидаги АТСлар қурилиш учун сарф қилдик, бир қисмига эса 21 донга компьютер, 6 донга хорижий автомобиль сотиб олдик. Қолган 3 миллион 560 минг сум маблагимизни қурилиш-монтаж ишларига режалаштириб қўйдик.

Миллий дастурга мувофиқ Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида 10 минг рақамли электрон АТСлар қурилиш учун жойлар тайёрлаб қўйилди. Ҳозирги кунда хорижий фирмалардан «Алкател», «ДЭУ-Телеком», «Никсда Телс»ларни танлов асосида жалб

этиш бўйича «Ўзбектелеком» концерни билан ҳамкорликда иш олиб бораётимиз.

Шу йил июлдан бошлаб қурилиши мулкжалланган АТСлар харажатининг бир қисмини қоплаш мақсадида икки йил муддатта фойдан олинадиган солиқнинг маҳаллий бюджетга тулланганидан қисмидан озод этилди. Корхонамизда Автоматик бошқарув бўлими (АББ) ташкил этиб, компьютерлар урнатди, 5 та туман алоқа боғламалари, Қарши бирлашган шаҳар ва шаҳарлараро телефон тармоқлари билан модем орқали компьютер алоқаси олиб борилмоқда.

Корхонамизда кулга киритилган ютуқлар билан биргаликда бир қатор камчиликлар ва муаммолар мавжуд. Қарши шаҳар марказидаги ер остки кабелларига бошқа ташкилотлар томонидан зарар етказиш ҳолати учраб турибди. Айниқса, 7 минг рақамли 5-АТСдан кабелларни тежаш мақсадида кабеллар бир неча километр тармоқ шафларига чиқарилгани, йиллар утиши билан ишдан чиқатганлиги сабабли уларни таъмирлаш, алмаштириш учун кабеллар етишмайди. Маблагимиз бор, аммо «Тошкенткабел» заводида юқори ҳажмли кабеллар чиқарилаётганлиги сабабли кабелларни топши муаммо бўлаётди. Шунингдек, радио тармоқларимиз иш сифатини яхшилаш учун СТ-3,4,5 ммли пулат симларини топши қийин бўлаётди.

Курсатилган алоқа хизмати учун корхона ва ташкилотлардан пулларимизни уз вақтида йиғиб ололмаётимиз. Шунга қарамай, вилоятдаги барча алоқачи мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар «ҳаракатда баракат» нақлига амал қилиб меҳнат қилишмоқда.

Б. НИҒМОНОВ
ёзиб олди

Сурхондаре вилоятининг тоғли туманларидан бири Бойсунга борганмисиз? Туман аҳолиси боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Даромад ҳам, буромад ҳам шунга яраша. Тоғ халқининг гурури тоғ каби баланд. Тоғли халққа почта алоқа хизмати курсатиш ҳам анча қийин.

ларини уз вақтида ташиб келтиришда қийинчиликлар бўлган. Корхонада бунинг йўлини топишди. Почтани алоҳида машиналарда ташиш анча қимматга тушгани учун туманлараро автобуслардан фойдаланилмоқда. Бу эса корхонада маблаг тежаш имконини берди. Тежалган маб-

ТОҒЛАРГА ҚОР ТУШГАНДА...

Туман почта алоқа корхонасида булганимизда бунинг гувоҳи бўлдик.

Корхона аҳолини почта алоқа хизматидан баҳраманд этиб, нафақа, газета-журнал, хат-хабарларни уз вақтида етказиб берапти. Бу ерда 64 ходим хизмат қилади. Ходимлар яхши ишлаши учун яхши шарт-шароит яратилган. Жамоада Т. Бекназарова, С. Хурсанов, М. Акрамов, Р. Норкулов, М. Қурбонова, Р. Ортиқов, С. Гаффарова, П. Самадовлар узоқ йиллардан бунен самарали меҳнат қилиб келишяпти.

Корхонанинг 9 ойлик даромади 147 минг 308 сумни ташкил қилди. Ходимлар моддий ва маънавий рағбатлантириб бориляпти. Корхонада ёш мутахассислар алоҳида эътибор берилаяпти. Уларнинг малакасини ошириш учун Тошкент алоқа колледжига қисқа курсларга ўқишга юборилаяпти.

Бойсу тумани вилоят марказидан анча узоқда жойлашган. Шу боис почта жунтама-

лаг ходимлар манфаати учун сарфланяпти.

Бойсу тумани почта алоқа корхонасига қарашли «Пасурхи», «Газа», «Ҳамза», «Инқобод», «Бойсу-1» алоқа бўлимлари аҳолига намунали хизмат курсатиб, ойлик режаларини ортиги билан бажаришяпти.

Тоғ қишлоқларига почта алоқа хизмати курсатишда шахсий от, уловдан фойдаланилади. Айниқса, қиш қиrowsи кунларда «Қурғоқча», «Мачай» жамоа ҳужалиқларига почта ташиш анча қийин. Шундай пайтларда почтачиларнинг тоғликларга хос матонатни намоен бўлади. Улар қор кечиб бўлсада, почтани уз манзилга етказдилар.

Туман почта алоқа корхонаси ходимлари тоғларга қор тушганда ҳам ҳар қандай машакқатни енгиб уз бурчларини тула адо этиб келяптилар.

ИЗЗАТ АҲМЕДОВ

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» давлат нашриёт маркази ўзбек халқ эртаклари асосида почта маркалари тушганини нашрдан чиқарди.

баъзан ҳийла билан, баъзан куч ишлатиб ёмонларни табасига таянтиради. Эртақлардаги бу сеҳрли олам бутун ҳам кишини унга мафтун этади.



Эртақлар таройиб ажойиб юрқа-ҳодисаларга бой. Эртақларда қаҳрамонлар ақлли, софил, саний, инсонпарвар, адолат ҳомиysi, доворак бўлдилар. Улар доимо ёвуз кучларга, разил кишиларга қарши курашадилар —

Ушбу почта маркаси суратлари ҳам ўзбек халқ эртақлари асосида ишланган бўлиб, уларни тошкентлик мусаввир Л. Солиқова чизган. Бу мавзуда почта маркалари чоп этиш яна давом эттирилади.

АППО, МАСПАҲАТИНГИЗГА МУҲТОЖМАН!

Дунё кўзингизга қоронғу кўришяпти... Бошингизга баҳсинглик тушган... Асаб торларингиз тараплаган ва бўшаган... Бир ҳафтадан бери ҳамма ишингиз орқага кетаяпти... Шундай пайтда нима қилиш керак?

Тошкентда иш олиб бораётган «Ишонч» телефон хизмати айнан шу муаммолар билан шуғулланади. Бундан хабар топиб, унинг фаолияти билан қизиқиб қолдик. Бироқ «Ишонч» ходимлари билан учрашиш осон бўлмади. Хизмат идораси қарсда жойлашганини айтишни шунча илтимос қилсакда, навбатчи қайта-қайта уэр сураб, манзилни ошкор қилиш мумкин эмаслигини, фақат телефонданига мулоқот бўлишини айтиди. Тахрирлардан эканимизга ишонч ҳосил қилгач, бошқалиқнинг телефон рақамини беришга рози бўлди. Ниҳоят, бош пифокор Жўра ака Ғулморовдан манзилни аниқлаб, у киши ҳузурига йўл олдик.

— **Жўра ака, «Ишонч» телефони хизматининг мақсади нима?**

— Ғам-ташвишсиз оламнинг узи йўқ. Ҳаётингизда бирон-бир муаммони ҳал этолмасангиз, кимнингдир маслаҳатига муҳтожлик сезасиз. Бироқ, бировга айтса бўладиган гап

бор, айтолмайдигани ҳам бор. Шундай ҳолларда кўпчилик, айниқса ешлар нима қиларини билмай, довларга қолади. Оқибатда нохуш воқеалар юз берган ҳоллар ҳам учраб турибди. «Ишонч» телефон хизмати нохуш ҳодисалар олдини олиш, одамларга яхшилик йўлида маслаҳат бериш мақсадини кузлаб, 1989 йили Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан ташкил қилинган эди. Иш юришиб кетди, натижалар ёмон эмас.

— **Сизларга айнан медицина хизмати муаммолари билан мурожаат қилиш керакми?**

— Бодалик, усмирлик, навқиронлик ва кесалик даврларини бир-бир тахлил қилсак, ҳар бир даврнинг узига хос муаммолари бўлади. Масалан, болаларни ота-онасининг келишмовчилиги қийнаса, балогат ва урта ёшдагиларнинг севги-муҳаббат, оила муаммолари, медицинага оид ва бошқа дилхиралликлар қийнаши мумкин... Марҳамаат, **55-45-00** рақамли кўнгироқ қилсангиз, бепул, исм-шарифингиз, манзилингиз сир тутилгани ҳолда мутахассисларимиздан бемалол маслаҳат оласиз.

Тоғида иш юзасидан ёки оила қуриш борасида маслаҳат сураб

мурожаат қилишади. Бундай мурожаатлар учун айнан шу муаммолар билан шуғулланувчи ило-рафлар телефони ёзилган махсус дафтар тўтганмиз. Мижозларга ана шу идоралар телефон рақамларини берамиз.

— **Жўра ака, агар навбатчиликда русийзабон мутахассис ўтирган бўлса, бу рус тилини яхши билмайдиганлар учун қийинчилик туғдирмайди?**

— Ундай ҳолларда ўзбек тилини яхши биладиган мутахассисни жалб қиламиз.

— **Уэр, яна бир савол. Бевосита амалий ёрдамсиз берган маслаҳатингиздан қониқасанми?**

— Биласизми, кўпчилик тажрибасизлик оқибатида қийин аҳволга тушиб қолади. Лов этиб ениб турган пайтингизда кўзингизга ҳеч нарса қуринмайди. Шундай пайтда кимдир сизга турри маслаҳат берса, асабларингиз юмшаб, тузукроқ мушоҳада қилишингизга имконият туғилади. Ҳаётнинг қувончлари кўп, аммо ташвишлари ҳам старли. Зеро, улумдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор. Шунга аниқлашмас, бурчимизни ало этган бўламиз.

— **Самимий сўхбатингиз учун раҳмат!**

Мақсуда ҲАКИМОВА

Қашқадарё вилояти Қарши тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Тоҳир Хушназарович МАМАТОВни 40 ёшга тулаши билан табриклаб, алоқа соҳасидаги ишларига ривож, сўлиш-саломатлик тилаймиз.
Корхона жамоаси

Абу Райҳон Беруний (973 — 1048) — хоразмлик буюк олим. У астрономия, геодезия, геометрия, арифметика, фармакология, этнография, тарих ва илмининг яна талай бошқа соҳалари бўйича 150 дан ортиқ асар эътибор қолдирган.

Куйида келтириляётган кичик ҳикоялар олимнинг «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» («Қимматбахо тошларни билиб олиш бўйича маълумот берувчи китоб») номли асаридан олинди.

Султон Маҳмуд Фазнавий (султон, 998-1030) — Балхда турган пайтида ов иштиёқи билан саройдан чиқди. Бир бухоролик тиланчи унинг йулини тусди ва хайр-эхсон тилаб туриб олди. Султон бу нақаларни ёмон куради, хожибага «уни тўқмоқланглар», деб буюрди. Султон отга тушди, деб қамчи босганда қимматбахо узугининг ёқут кузи тушиб қолди. Тиланчи буни кўрди ва отликлар тудаси утиб кетгандан кейин уни ердан олиб ҳаменига солди.

Султон саройга қайтганидан кейингина узугининг ёқут кузи йўқотганини пайкади ва гуломларини қидиришга юборди. Уларга тиланчинини ҳам топиб келишни буюрди. Лекин, улар тиланчинини ҳам, узук кузини ҳам ҳеч ердан тополмай қайтдилар.

Эртаси кун султон ша-

ҳар айлангани чиқди. Йулда уша кечаги тиланчи султоннинг йулини тусиб яна хайр-эхсон сурди.

— Бу баттолнинг бошини мажжақлаб ташланглар, — деб буюрди султон ҳожибга.

Гуломлар уни йўлнинг четига сураб чиқдилар. Энди тўқмоқламоқчи бўлиб турганларида у уларнинг қулидан чиқиб

• Мерос

БЕРУНИЙ ЎГИТЛАРИ

кетди. Ҳаменидан ниманидир олди ва чолиб бориб султоннинг қулига тутқазди ва тиз чукиб шафқат тилади. Султон тиланчини берган тугунчани эзиб кеча йўқотган узугининг кузини таниди. Гуломларга: «Тухтанглар, булди!», деб ишора қилди ва тиланчига уч юз динар оқча инъом қилиб деди:

— Тангри таоло сен орқали мени садақа беришга мажбур этди, узимга қолса бир чақа ҳам бермаган булардим.

Хорун ар-Рашид вазири Яҳе ибн Холидга «асраб қуй», деб бир қоп қимматбахо дуру жавохирлар берди. Вазир қопни уйига олиб келиб айвонга қуйди ва ҳеч кимга индамасдан иш билан шаҳарга кетди. Хизматкорлардан бири эса, пойлаб турган экан, уни утирлади. Вазир бир

вақт қоп эсига тушиб қайтиб келса, урнида йўқ. Вазир қоп куйинди, сунг гуломини фулбинга жунатди. Фулбин Абу Ёқуб исмлиқ бир кузи оғиз одам экан. У кириб келиши билан вазир атрофдагиларга «ҳеч ким бир оғиз суз айтмасин, хатто биров кимсанинг овози чикмасин», деб ишора қилди. Фулбин келиб супанини бир четига утиргач, Яҳе ибн

қили фулбин.

Вазир «хайрият», деб чуқуртин олди, сунг хизматкорларига «фалон ердаги ахлат тукилган урани титиб қаранглар», деб буюрди.

Хизматкорлар урани эҳтиёткорлик билан очдилар ва кумилган хумни топиб олдилар.

Вазир сарқорни чақиртириб фулбинга беш минг динар мукофот беришни буюрди. «Яна сенга уз маҳалламдан катта ҳовли-жой ҳам олиб бераман», — деб ваъда берди.

— Оқчангни оламану, ҳовли-жойни куя тур, — деди фулбин мукофотни ола туриб.

Вазир таажубланди: — Нега? — Чунки, — деди фулбин, — оқчалар нақд, ҳовли-жой булса насия...

Эътиборга муносиб бир масалада бундай дейилган: бир одам қушчани тутиб олди.

Қушча суради: — Мени нима қилмоқчисан?

— Суйиб смоқчиман, — деди ҳалиги одам.

— Мени суйиб нима қилсан, қорнингга урвоқ ҳам бўлмайман-ку, — деди қушча елвориб. — Яхшиси қуйиб юбор. Рози бўлсанг сенга учта ҳикмат айтаман. Булар, башарти унга амал қилсанг, ҳаётда керак бўлиб қолади.

— Худо шохид, сени албатта қуйиб юбораман, лекин айт

уша ҳикматингни.

— Биринчиси, — деди қушча, — биров нарсани қулдан бой берган бўлсанг, асло укинма, иккинчиси — тополмайдиган нарсани қидириб овера бўлма, учинчиси эса — йўқ нарсга умид боғлама.

— Бу гап менга бир туграм гушгдан афзалроқ, — деди ҳалиги одам уз-узига ва қушчани қуйиб юборди.

Қушча «парр» эгиб деворга бориб қуни ва деди:

— Э, нодон, агар мени суйганинда фойда курадинг — қорнимда каптар тухумидай лаъл бор эди.

Уша одам қилиб қуйган ишдан пушаймон бўлди ва қушчани аврай кетди:

— Кел, азизим, енимга қайт. Сени тоза кунжуто бўлоқ суви билан парвариш қиламан.

— Энди суйиб емаганинга укинясанми? — деди қушча ҳалиги одамга, — нима, мен айтган панд-насиҳат эсиндан чиқдимми? Овера бўлма, энди мени ҳеч қачон тутолмайсан. Узим бармоқдай бўлсам-у, каптар тухумидай лаъл менинг қорнимга қанақасига жо бўлди экан?

Қушча шундай деди-ю, сунг учиб кетди.

Бўривой АҲМЕДОВ
тайёрлаган

XVI-XVII асрларда яшаган инглиз ёзувчиси Жон Стоу қирқ беш йил мобайнида кутубхоналар ва архивларда иш олиб борган. Бироқ у кексайган чогида

АЖАБ ДУНЁ

ниҳоятда қашшоқлашиб қолади ва шу муносабат билан инглиз ҳукумати 1604 йили махсус фармон чиқаради. Унда шундай дейилган: «Стоу Англия тарихи учун материаллар йиғишга қирқ

беш йил, Лондон шаҳри ва Вестминстерни тасвирлашга ўн икки йил сарфлагани ҳамда бутун умрини Ватан хизматига бағишлагани туфайли биз узимизнинг

қироллик марҳаматимиз ва ижозатимиз билан унга фуқароларимиздан садақа тилашга ҳамда тушган маблағни ўз фойдасига ишлатишга рухсат берамиз».

«МУЛОҚОТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Азиз юртдошлар! Ошқора, самимий мулоқотта иштиёқингиз бўлса, узингизга ҳамлард, кунглингизга яқин дуст топмоқчи бўлсангиз «Мулоқот» журналга обуна бўлинг!

Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз. Чунки журналнинг чакана савлодаги нархи обуначи оладиганидан анча қимматга тушади. Чинакам ўқувчи учун обуна энг қулай имконият. Журнал бир йилда 6 марта чиқади.

ОБУНА НАРХИ

Яқна тартибданги обуначилар учун:
Нашр индекси — 75401.
Олти ойга 63 сўм 60 тиийн.
Бир йилга 127 сўм 20 тиийн.

Ташкилотлар учун:

Нашр индекси — 75406
Олти ойга 108 сўм 60 тиийн.
Бир йилга 217 сўм 20 тиийн.

Мухтарам ўқувчи! Халқимизнинг мустақиллик минбари бўлган энг севимли, энг мазмунли, миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадвий журнал — «Мулоқот»га обуна бўлишга шовилени!

ЭСПАТМА: Сотувга ниҳоятда чеklangан миқдорда чиқарилади.

«Мулоқот» журнални тахририяти

ТЕША ТЕГМАГАН ГАПЛАР

Навбатнинг яхши томони шундаки, у сени олдинга итарди.

Маршаллардан энг яхши аскарлар чиқади.

У реалист ёзувчи — фақат чоп этиладиган нарсаларингизга ёзади.

Аёлнинг кунглига еққан нарсга қупинча эркакнинг чунтагига тўғри келмайди.

Юмор — йиқилган одамнинг устидан қулиш, сатира эса уша йиқилганни туртиб юборган кимса устидан қулишидир.

Аёлларни тушуниб бўлмайди: гоҳ у эркакни бир узингизга яхши куради деб нолдса, гоҳ бошқа аёлни севади деб қуйинади.



ОЛТИН КУЗ...

Одамга истаган нарсасини бераверсанг, у истамаган нарсаларини ҳам кунгли тусайдиган бўлиб қолади.
Одам ҳали биров нарсани бошламасдан туриб ҳамма нарсга қолдир бўлади.
Аёл ойна атрофида қанча қуп уралашса, эркак ҳам аёл атрофида шунча қуп уралашади.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Масул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ

Билал АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тулқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган кўлемсизлар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0533. 9894 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 27

ЎзТВ I
7.00 «Хафтаном».
7.30 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Сирли сандиқ». Телевизион уйини.
10.00 «Ешлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.30 «Малласоч малика». Бадий фильм.
11.50 — 13.00 «Кўшигимдасан, Ватан». Телевизион танлов тақдимаси.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хаёт», «Нурли манзил остонаси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 «Хаёт». «Кафтимдаги сайбра». Публицистик кўрсатувнинг давоми.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Хаёт». «Олам гўзал мунавварликда». Публицистик кўрсатувнинг давоми.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ахборот».
00.15 — 00.45 «Обид — А» театри намойиш этади.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси ташкирлади:
18.30 Болалар учун «Кузунчок».
19.00 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
19.15 «Дехкон химмати». Паркент туманидан кўрсатув.
19.45 «Тошкентнома».
20.45 «Бу разведкада бўлган эди». Бадий фильм.
22.15 — 22.45 «Спорт-тайм».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Мовий ҳалқа буйлаб». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.20 — 21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.40 «Кўёш шуъласи остида». Телефильм.
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» ташкирлади:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 — «яна об-хаво ҳақида».
21.25 Эълонлар.
21.30 — 23.10 Видео — «О».

СЕШАНБА, 28
ЎзТВ I
7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Ўзбектеlexфильм» кўрсатади: «Абдулла Қаҳҳор».
9.30 Немис тили.
10.00 «Ешлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...»
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Нурли сиймолар». Киноқўрсатув.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 «Тошоша». Фильм-концерт.
12.30 — 14.30 «Умидлар йили». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун фильм.
18.40 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 «Сарви гулрў келмади». Навоий ғазаллари билан айтылган кўшиқлар.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Оқ коплоннинг зурриёти». Бадий фильм. 1 — 2-сериялар.
23.55 Эстрада тароналари.
24.00 — 00.15 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» ташкирлади:
18.30 «Мульткарусель».
18.45 «Табиаат дунёси». Оммабон кўрсатув.
19.35 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Видеогид».

21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 «Кинигоҳ».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гребешок». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.30 — 9.00
18.20 — 21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Дидар» (қозок тилида).
20.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
22.35 — 23.35 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 29

ЎзТВ I
7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Унутма мени». Киноконцерт.
9.35 Инглиз тили.
10.05 «Фахрийлар — фахримиз».
10.55 «Алифбо сабоқлари».
11.25 «Ким топди?» Телеуйини.
12.20 — 13.50 «Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ажиб саргузаштлари». Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хазинамиз таянчи». Иктисодий кўрсатув.
18.40 «Санаъат олами». Кулол Махмуд Махжонов.
19.15 «Фаровон турмуш учун». Тошкент шаҳрини газлаштириш ҳақида.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 Спорт хабарномаси.

20.15 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Шаҳар бедарвоза эмас...» Публицистик кўрсатув.
22.00 Санаъат усталари ихросида концерт.
22.55 Ўйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий» асарининг яратилиши ҳақида.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси ташкирлади:
18.30 «Дарсга кўнгирик».
19.20 «Ок соя».
19.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
20.15 «Тошкент оқшомлида».
21.15 — 22.45 «Кинематограф».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Битим соҳиллари». «Тог наволари». Телефильмлар.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.30 — 9.00
18.20 — 21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Дунё табиати».
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» ташкирлади:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ ҚИТЪА-СИ».

ПАЙШАНБА, 30

ЎзТВ I
7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Одам-амфибия». Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Ишбилармон». Телеочерк.
11.30 «Қуз жйолари». Кинодастур.
12.10 Ўзбек кўпларидан концерт.
12.40—14.40 «Ешлик» видеоанали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Хошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 2-қисм.
19.15 Мусикий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 «Қирқ хунар ҳам оз».
20.35 «Билди кўнган яши». Аёллар учун махсус дастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Маърифатнома».
21.55 «Ҳофизлар хониш қилганда».
22.35 «Ўзбектеlexфильм» кўрсатади: «Буюк Турон».
23.05 «Ракс санаъати усталари». Нарзиiddин Шерматов.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ахборот».
00.15 — 00.45 Спорт кўрсатувлари.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси ташкирлади:
18.30 «Утмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Бу бўстон аро...»
19.45 «Ўзбекистон бахтар бўлсин!»
20.15 «Юлдузлар жилоси». Ҳинд киносининг актери Санжив Ку-



17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Маҳалламиз болалари». Буюроқ шаҳар маҳалла болаларининг телемуسابоқаси.
19.05 «Турон тулпорлари». Спорт кўрсатуви.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
20.35 «Юзма-юз». Таълим ва тил урганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги регионал директори Мунаввар Олгун билан мулоқот.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Олтин мерос». Халқ артисти Раззоқ Ҳамроев.
22.10 Мусикий дақиқалар.
22.20 Ўзбек киносининг 85 йиллиги. Бадий фильм.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ахборот».
00.15 — 00.45 «Тушимда кўрсам эди». Нодира ғазаллари билан айтылган ашуллар.

ЎзТВ II
«ОМАД» ташкирлади:
18.30 «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 «Кинигоҳ».
22.15 — 22.45 «Оламнинг яратилиши». Оммабон кўрсатув.

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Матолар жилоси». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.30 — 9.00
18.20 — 21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.40 Телеочерк.
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Табиркорлик мактаби».
20.20 «Безнен мирас» (татар тилида).
21.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.00 Л. Якубовичнинг «Муъжизалар майдони» Тошкента (2-кўрсатув).
22.45 — 23.30 «Туризм-ревио».

ЖУМА, 1
ЎзТВ I
7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 Бадий фильм.
9.00 3б М. Ҳазраткулов. «Меҳр кўп кўрғаздим». Йулдош Оқунбоев номидаги Еш томошабинлар театрининг спектакли.
12.00 Немис тили.
12.30 — 13.00 «Талабалар саҳнасида».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 ЎзТВ хазинасидан. Уткир Хошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 2-қисм.
19.15 Мусикий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 «Қирқ хунар ҳам оз».
20.35 «Билди кўнган яши». Аёллар учун махсус дастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Маърифатнома».
21.55 «Ҳофизлар хониш қилганда».
22.35 «Ўзбектеlexфильм» кўрсатади: «Буюк Турон».
23.05 «Ракс санаъати усталари». Нарзиiddин Шерматов.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ахборот».
00.15 — 00.45 Спорт кўрсатувлари.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси ташкирлади:
18.30 Болалар учун «Табасум».
19.10 «Коллекция».
19.50 «Кичик дебют».
20.20 «Пульс». Хабарлар.
20.35 «Менинг қўчам».
20.50 «Рок - сеанс».
21.25 «Ҳар соҳадан бир шингил».
22.00 «Тошкент, Ҳалебушинага».
22.20 — 23.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Семург — бахт қуши». «Қузги лаҳзалар». Телефильмлар.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.20 — 21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.20 «Қуз навоси». Бадий фильм.
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Вариациял мавзу».

мар.
20.50 — 22.20 «Келгинди». Бадий фильм.

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Овоз». Телефильм.

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.30 — 9.00
18.20 — 21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.45 «Шарқ ёдгорликлари». Телефильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» ташкирлади:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.50 «Кулгига нима етсин!» Ҳажвий кўрсатув.
21.05 «Компьютер-Осиё».
21.25 Видео янгиликлари.
21.45 «Теле-ателье-шоу».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.10 Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

ШАНБА, 2

ЎзТВ I
7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Хотира». Уста Олим Комилов.
10.30 «Ешлик» студияси. «Онамнинг ўғитлари».
11.00 Болалар учун «Кувноклар даврасида».
11.30 «Актёрлар ва Рашад». Ўзбекистон халқ артисти Рашидхон Соликов.
12.15 «Оила».
12.45 «Мухаббатимни қуйлайман». Мусикий кўрсатув.
13.15 — 14.45 «Қузги марафон». Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совга».
18.20 «Олам». Маърифий кинодастур.
19.05 Шарқ дурдоналари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 «Имкон қўқўлари». Гиннеснинг рекордлар оламиди.
20.20 «Ишнинг бароридан келсин!».

20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 «Оҳанглар оғушида».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Юлдузли онлар».
22.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастур.

ЎзТВ II
«ОМАД» ташкирлади:
9.00 «Мульткарусель».
9.15 «Табиаат дунёси». Оммабон кўрсатув.
10.05 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 «Видеогид».
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинигоҳ».
14.30 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪА-СИ».

ЎзТВ III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Бойсунда қор эриганда». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.25 — 22.50
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.50 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.50 — 00.15 «Эсдалик учун дастхат». Алла Пугачева.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!» Мультфильм.
10.30 «Жонли сайера».
10.50 «Дарвоке...»
11.20 «Хонадоннингизга осойишталик».
12.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
14.00 — 14.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Шоҳсуна сари». Халқаро ноғиронлар кўнига.
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.45 «Ташрифлар ва тақлифлар».
22.15 «Бу ажиб дунё».
22.35 — 22.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.20 — 21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.20 «Қуз навоси». Бадий фильм.
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Вариациял мавзу».

10.30 «Болаларнинг беғубор салтанати». Киноқўрсатув.
11.15 «Ер казир». Телефильм.
11.35 «Булклар кўз оғанда».
11.55 — 12.20 Болалар учун. «Муъжизалар кўни». Фильм-концерт.

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Монитор «Осиё». Тележурнал.
21.05 «Ширу шакар».
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55 «Минси».
22.40 «Бу ажиб дунё».
23.00 — 23.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯҚШАНБА, 3
ЎзТВ I
7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ешлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ховлимиздаги стадион».
11.20 «Осиё овози». Халқаро кўшиқчилик танлови.
12.10 «Шайтонвачча». Ба, айди фильм.
13.25 — 14.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Санаъат гўнчалари».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 «Эртақлар — яхшиликка етаклар...»
18.55 Спорт хабарномаси.
19.05 «Ойна жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Яқшаба оқшомлида». Мусикий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хафтаном».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тимсоёл» видеоанали.
22.45 «Ўз тақдирини излаган одам». Бадий фильм.
23.40 Эълонлар.
00.05 — 00.35 «Хафтаном».

ЎзТВ II
«ОМАД» ташкирлади:
10.00 «Ора даври боғидаги саргузашт».
10.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
11.30 «Кинигоҳ».
13.45 — 14.15 «Оламнинг яратилиши». Оммабон кўрсатув.

ЎзТВ III
17.00 «Жаҳон географияси». Оммабон кўрсатув.
17.50 Эълонлар.
17.55 Видео — «О».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
20.00 «...яна об-хаво ҳақида».
20.10 «Постфактум».
20.20 «Автосалон».
20.40 Видео янгиликлари.
21.00 «Теле-ателье-шоу».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Даракчи».
21.25 Эълонлар.
21.30 — 23.15 Видео — «О».

ЎзТВ III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Бойсунда қор эриганда». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.25 — 22.50
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.50 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.50 — 00.15 «Эсдалик учун дастхат». Алла Пугачева.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!» Мультфильм.
10.30 «Жонли сайера».
10.50 «Дарвоке...»
11.20 «Хонадоннингизга осойишталик».
12.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
14.00 — 14.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Шоҳсуна сари». Халқаро ноғиронлар кўнига.
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.45 «Ташрифлар ва тақлифлар».
22.15 «Бу ажиб дунё».
22.35 — 22.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.20 — 21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40 — 23.20

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.20 «Қуз навоси». Бадий фильм.
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Вариациял мавзу».

10.00 «Вариациял мавзу».

10.00 «Вариациял мавзу».

10.00 «Вариациял мавзу».

10.00 «Вариациял мавзу».

10.00 «Вариациял мавзу».

